

Нома 1

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Шундай кила кол, азизим Луцилий! Ўзингни ўзинг учун сакла, шу пайтгача сендан тортиб олинаётган ёки ўгирланаётган, беҳуда кетаётган вақтингни бундан буён асра ва жамлаб ол. Менинг ёзаётганим ҳақ эканига ўзинг ишонч ҳосил қил: бизнинг вақтимизнинг бир қисмини куч билан тортиб олишади, бир қисмини ўмаришади, бир қисми дангасалигимиздан бекорга оқиб кетади. Ўзимизнинг эҳтиётсизлигимиз туфайли йўқотишларимиз ҳаммадан ҳам кўра шармандалидир. Диккат қилиб назар сол: ахир ҳаётимизнинг каттагина қисмини ахлоқона ишларга сарфлаймиз, бекорчиликда ўтадиган вақтимиз ҳам - оз эмас, қолаверса, обдон қарасак, ҳаётимизнинг ҳаммасини қилишимиз керак бўлган ишларга эмас, бошқа нарсаларга сарфлаганмиз. (2) Менга вақтни қадрлайдиган, бир куннинг ҳам қанчалар қимматли эканини биладиган, ҳар бир соат сайин ўлаётганимизни тушунадиган бирор-бир одамни топиб қўрсат-чи?! Бизнинг қожиамиз шундаки, биз ўлимни олдинда қўрамиз; холбуки унинг ақсарият қисми аллақачон оптимизда, - ахир умримиздан қанча йиллар ўтди, ўтиб кетган йилларимиз энди ўлимга тегишлидир. Азизим Луцилий, ҳудди менга ёзганингдай қил: бирор соатингни ҳам қўлдан берма. Бугунги кунингни қўлингда тутиб туролсанг – эртанги кунингга қамроқ асир бўласан. Агар шундай қилмасанг, қиладиган ишингни эртага қолдираверсанг, бутун ҳаётинг шу йўсинда ўтади-кетади. (3) Луцилий, бизнинг ҳамма нарсамиз аслида бизники эмас, бизга бегона, факатгина вақтимиз бизга тегишлидир. Табиат бизга факат мана шу қўлимиздан сирғалиб чиқиб кетаётган ва шувиллаб оқиб бораётган вақтингина берган, аммо уни ҳам биздан қимматлироқ тортди олади. Бандалар гумроҳдирлар: қандайдир бўлмагур, арзон ва ўрни осон тўлиб кетадиган нарсани олган-берганлари учун ҳисоб-қитоб қиладилар; аммо вақтингни олганликлари учун ўзларини қарздор деб билмайдилар, холбуки энг миннатдор банди ҳам вақтни бизга қайтариб беролмайди. (4) Балким сен мендан: «Насихат қилишни-ку биласан, аммо ўзинг нима қилгансан?» - деб сўрагансан? Қин қўнғилдан тан олишим керак: мен ҳисоб-қитобни яхши биладиган қимматдор сифатида қанча вақтни беҳуда йўқотганимнинг ҳисобини билман, ҳолос. Ҳеч қанча вақтни беҳуда йўқотмайман деб айтишмайман, аммо қанча вақт йўқотганимни, нимага йўқотганимни ва қандай қилиб йўқотганимни айтиб бера оламан ҳамда қашшоқлигимнинг сабабларини ҳам тилга олишим мумкин. Мен ҳам ўз иллати туфайли қашшоқлашмаган бошқа ақсарият одамлар сингари ақволдаман; ҳамма менга гўё раҳм қилади, бироқ ҳеч қим менга ёрдам бермайди. (5) Ҳўш, начора? Менингча, энг озгина қолган нарсага ҳам қаноат қила оладиган инсон қашшоқ эмас. Сен ўз бойлигингни ҳозирдан асраганинг дуруст: ҳозир бошлашнинг айна пайти! Аждодларимиз айтганларидай, қозоннинг таги қўрилиб қолгандан кейин тежамкор бўлишдан фойда йўқ. Қолаверса, вақтимиз нафакат оз қолган, жуда оз қолган. Саломат бўл, биродар.

Нома II

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Сен менга ёзган нарсалар ва мен сендан эшитганлар сендан умидвор бўлишим

мумкинлигини билдиради. Сен сайру саёхат килмайсан, тез-тез турар жойингни ўзгартиравермайсан. Ахир кўчишлар, сарсон-саргардонликлар – бемор калбнинг белгиларидир. Мен ўйлайманки, рух хотиржамлигининг биринчи далили – муқим яшаш ва ўзлигини саклаб кола олишдир. (2) Аммо бошка нарсага ҳам диққат кил: турли-туман ёзувчиларни ва ҳар хил китобларни ўқишвериш ҳам саёкликка, кўчманчиликка ўхшамайдими? Агар калбимда бирор-бир нарса ўрнашиб колсин десанг, буюк ахли донишларнинг униси ёки буниси билан узок вақт мулоқотда бўлиш, уларнинг қувваи хофизаси билан калбни сугориш лозим бўлади. Хамма жойда ҳозир инсон – аслида ҳеч бир жойда йўқ инсондир. Хаётини саёкликда ўтказган одамнинг мезбони кўп бўлади, аммо чинакам дўстлари бўлмайди. Буюк донишмандларнинг ҳеч бири билан яқинлаша олмаган, хаммасини шошилиб, юзаки ўтказиб юборган кимса ҳам шундай бўлади. (3) Ютиб улгурмасданок қусиб ташланган овқат фойда келтирмайди ва вужудга ҳеч нарса беролмайди. Дори-дармонни тез-тез алмаштириб турадиган бемор асло тузалмайди, соғлигига зарар келтиради. Турли-туман дорилар суркаладиган яра сира битмайди. Хадеб у ёқ-бу ёққа кўчирилиб ўтказилаверадиган ниҳол кўкармайди. Энг фойдали нарса ҳам юзаки холда фойда келтирмайди. Китоблар ҳам кўпликда бизни сочиб юборади. Шунинг учун, агар эғалигингдаги китобларнинг хаммасини ўқий олмасанг, ўқий оладиганингча китобга эга бўл - етади. (4) «Аммо, - дейсан сен, - гоҳида у китобни ўқигим келади, гоҳида – бошқасини». Турли-туман таомларга қўл уриш – тўқчиликнинг белгиси, овқатларнинг турли-туманлиги ошқозонни тўйдирмайди, бузади. Шунинг учун ҳамиша тан олинган ёзувчиларни мутолаа кил, агар гоҳида бошка нарсага чалгигинг келса, аввал ташлаб қўйган нарсангни ўқи. Ҳар куни кашшокликка, ўлимга, бошка бирор офатга қарши билим жамла ва, бошка кўп нарсаларни кўздан кечириб, бугун сен хазм кила оладиган бирортасини танла. (5) Менинг ўзим ҳам шундай киламан: кўплаб ўқиган нарсаларимдан бирор-бир нарсанигина эслаб коламан. Бугун мен Эпикурни мутолаа килаётиб (мен шундай тез-тез бегоналарнинг боғига тушиб тураман, қочкин сифатида эмас, меҳмон сифатида тушаман), қуйидаги хикматга дуч келдим: (6) «Шодумон кашшоклик, - дейли у, - хусусий нарса». Агар шодумонлик бўлса, бу қанака кашшоклик бўлди экан? Оз нарсага эга бўлган инсон кашшок эмас, кўп нарсага эга бўлишни истайдиган, бориға қаноат килмайдиган инсон кашшокдир. Ҳазинасида ва хирмонида қанча нарсаси борлигга, қанча сурувлари борлиги ва яна қанчаси қўшилаётганига қарамаса, кўзлари бошқаникига қадалган бўлса, топганини эмас, ҳали яна топиши кераклигини ўйласа? Бойликнинг чегараси борми, деб сўрарсан? Қуйи чегараси – зарур нарсаларгагина эга бўлиш, юқори чегараси – етарлича нарсага эга бўлишдир. Саломат бўл, биродар.

Нома III

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Сен мен учун ёзган хатингни менга бериб қўйиши учун дўстингга берганингни ёзибсан ва кейин огохлантирибсан: мен сенга тааллуқли хамма нарсани ҳам унга айтавермаслигим керак экан, чунки сенинг ўзинг ҳам одатда бунақа килмайсан. Аён бўладики, битта хатнинг ўзида сен уни ҳам дўст деб эътироф қиласан ва ҳам унинг дўстлигини тан олмайсан. Агар сен «дўст» сўзини шунчаки тил учида тилга олган бўлсанг ҳам майли эди, ахир биз ҳам сайловларда номзод бўлганларнинг барчасини шунчаки «жасур жўмардлар» деб атаймиз ёки қаршимиздан чиқиб қолган, биз исмини

эслай олмаётган хар бир кишига «жаноб» деб мурожаат киламиз. (2) Аммо, агар сен кимнидир дўст хисобласанг ва айна пайтда унга ўзингга ишонгандай ишонмасанг, демак, сен хато киялпсан ҳамда хакикий дўстлик кандай бўлишидан беҳабарсан. Хамма нарсани дўстинг билан бирга хал этишга ҳаракат кил, аммо аввало дўстингнинг ўзини таниб ол. Дўст бўлсанг, унга ишон, аммо дўст бўлишдан аввал уни билиб ол. Кимки Феофрастнинг насихатига риоя килмаса, аввал фикрлаб, кейин севиш ўрнига, аввал яхши кўриб қолиб, кейин мулоҳаза килса, демак, у нима аввалу нима охирлигини адаштириб қўйгандир. У ёки бу кимса билан дўст бўлишдан олдин узок ўйла, аммо дўстликка қарор килганингдан сўнг дўстингни бутун қалбинг билан қабул эт ҳамда у билан худди ўзинг билан сўзлашгандан дадил сўзлашавер. (3) Шундай яшагинки, ҳатто душманга айтиб бўлмайдиган бирор нарсани ўзинг ҳам тан олишингга тўғри келмасин, аммо сир сақлаш лозим бўлган нарсалар барибир ҳам мавжуд бўлса, барча ташвишларингни, фикрларингни дўстинг билан бўлишгин. Агар унга ишонсанг – уни ишончли дўстга айлантирасан. Кўпинча алданишдан қўрқиш орқали алдовга ўргатишади ва шубҳаланишлари натижасида шубҳаланган кимсаларига ёвузлик қилиш ҳуқуқини бериб қўйишади. Нега мен у ёки бу сўзни дўстим олдида айтилмаслигим керак? Негамен дўстим ҳузурида турганда ўзимни худди ўзим билан яккама-якка тургандай сезмаслигим лозим? (4) Бировлар факат дўстгагина айтиш мумкин бўлган нарсани дуч келган хар кандай одамга айтаверишади, факат у жимгина эшитса бўлди, кўнгилларидаги ҳамма нарсани тўкиб солишади. Бошқалар ўзлари хақида энг яқин одамлари ҳам ниманидир билишини истамайдилар; улар, агар қўлларидан келганда, ҳатто ўзларига ҳам ишонмаган бўлардилар, шунинг учун улар ҳамма нарсани ичларига ютишади. Унисини ҳам бунисини ҳам қилмаслик керак: ахир иккиси ҳам – ҳаммага ишониш ҳам, ҳеч кимга ишонмаслик ҳам – иллатдир, факат шуни айтишим мумкинки, биринчи иллат – хайрлироқ, иккинчиси – хавфсизроқ. (5) Худди шундай доим хавотирда яшайдиганлар ҳам ва доим хотиржам яшайдиганлар ҳам газабга лойикдирлар. Зеро хар нарсадан талвасага тушиш фаолликдан эмас, доимий хаяжонда бўлган кўнгил безовталигидандир ҳамда, худди шунингдек, хар бир ҳаракатни огир, огриниб қабул қилиш – хотиржамликнинг белгиси эмас, дангасалик ва инжикликнинг нишонасидир. (6) Шунинг учун мен Помпонийдан ўқиган куйидаги сўзларни кўнгилнинг сакла: «Айримлар шу қадар зулматга ботганларки, ёруғликдаги ҳамма нарсани ноаниқ кўрадилар». Хаммаси мутаносиб бўлиши керак: ҳузур-халоват асири ҳаракат ҳам қилишни бошлаши керак ва тиним-тинчимас киши – бироз тин олишни, фикрлашни ўрганмоғи лозим. Табиатдан маслаҳат сўра: у сенга қун ва тунни яратганини айтади. Саломат бўл, биродар.

Нома IV

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Азизим, бошлаган ишингни изчил давом эттир ва қалбингнинг қамолоти ва ҳаловатидан роҳатланиш учун имкон қадар шошилгин. Рухни қамоллаштиришда ва кўнгил хотиржамлигига интилишда ҳам ҳузур-халоват бор; аммо иллатлардан ҳоли ва нуқсонсиз руҳга разм солсанг, буткул ўзгача роҳат оғушига чўмасан. (2) Аниқ ёдингда бўлса керак, одми лаш-лушингни ечиб, эрақалик қийимларини қилганинга ва форум даврасига чиққанинга қанчалар қувонган эдинг? Болаларча ҳулқ-атворингдан қутилиб, фалсафа сени эрлар қаторига қўшганда бундан-да қаттароқ қувончли хис этасан. Ахир бу пайтгача бизда болаликнинг ёши қолмас-да, энг ёмони, болаларча гўллик қолган

бўлади. Бу шуниси билан ёмонки, бизни доно кексалар сифатида хурмат килишади, аммо бизда болаларнинг, нафакат болаларнинг, хатто гўдакларнинг иллатлари сакланиб колган бўлади; ахир гўдаклар арзимас нарсалардан кўркишади, болалар – ўткинчи нарсалардан хайикишади, биз эса – унисидан ҳам, бунисидан ҳам хавотирдамиз. (3) Олдинга кадам ташла – ва сен тушунасанки, кўп нарса айнан ҳаммадан кўп кўркитиши туфайлигина кўркинчли эмас. Охиргиси бўлган ҳеч бир ёвузлик улкан бўлолмайди. Ўлимга дуч келмоқдамисан? Агар ўлим сен билан колганда эди, у кўркинчли бўларди, ўлим эса ё сенга хали келмайди ёки, келса, тезда ўтади, оркада қолиб кетади, бошқача бўлиши мумкин эмас. - (4) «Рух ҳаётдан нафратланишига эришиш, - дейсан сен, - осон иш эмас». – Бирок сен одамлар қандайдир арзимас сабаблар туфайли ҳаётдан юз ўгираётганини кўрмайсанми? Биттаси севганининг дарвозасига ўзини осиб қўйибди, бошқаси уй эгаси кичкирганини эшитмаслик учун ўзини томдан ташлаган, бошқа қочиб кетган бир кимса қайтариб келмасликлари учун ўз қорнига пичок тикиб қўйибди. Нахотки ҳаддан ошган кўркув қилган ишни фазилатимиз қила олмайди? Ҳаётни узайтириш ҳақида кўп ўйлайдиган одамнинг ҳаётида ҳаловат йўқ, кўп консулликларни бошдан кечиришни буюк эзгулик ҳисоблайдиган одам хотиржам бўлолмайди. (5) Хар қуни, хар лахза шу ҳақда ўйлагин, токим ҳаётдан кетишни фожиа билма, ўлимга хотиржам қара, кўпчилик кишилар уммон оқими тортиб кетаётган киши тиканак буталарга ва қиррадор тошларга тармашгани сингари ҳаётга тармашишади ва ёпишиб олишади. Кўпчилик шундай – ўлим кўркуви ва ҳаёт азоб-укубатлари ўртасида аросатда яшайди; уларга раҳминг келади, яшашни истамайдилар, ўлиш ҳам қўлларидан келмайди. (6) Яшаш учун, ҳаёт учун қайгуришни тўхтатсангинга ҳаётингда ҳаловат бўлади. Агар инсон бирор-бир эзгуликни охир-оқибат муқаррар йўқотишига ҳамиша ич-ичидан тайёр турмаса, ундан роҳатлана олмайди ҳамда, айтиш керакки, йўқотганда ачинилмайдиган нарсани йўқотиш оғриқсиз бўлади. Шунинг учун ўлим қаршисида руҳингни жасорат билан мустаҳкамла ва чиниктир, билгинки, ўлимдан бу дунёнинг энг қудратли шахслари ҳам қутилиб қололган эмас. (7) Помпейга ўлим ҳукмини бир болақай ва скопчи чиқарганлар, Крассга – бир шафқатсиз ва шарттаки парфиялик. Гай Цезарь Лепидага бўйнини нотик Декстрнинг қиличига тутишни буюрган – ўзининг боши эса Херейнинг зарбасига дучор бўлди. Ҳеч қимни омад юқорига кўтарганидан кўра қамроқ ҳавфга қўймаган. Соқинликка ишонма: денгиз бир лахзада қўзғалиши ва ҳозиргина бир маромда кезиб юрган кемаларни ютиб юбориши мумкин. (8) Шуни ўйлагинки, сенинг томогингга қарокчи ҳам, қаним ҳам қилич тираши мумкин. Майли сен юқори ҳокимиятда эмасдирсан – барибир хар қандай қул сенинг ҳаётингга ҳам, ўлимингга ҳам тажовуз қилиши мумкин. Мен сенга шу гапни айтаман: ўз ҳаётидан тўйган хар қандай одам сенинг ҳаётингга хўжайин бўла олади. Уй-рўзгор фитналаридан ҳалок бўлганларни эсла, - улар ё қуч билан, ё макқорлик билан махв этилганлар, - шунда тушунасанки, қулларнинг қазабидан ҳалок бўлганларнинг сони шохларнинг қазабидан қурбон бўлганларнинг сонидан қам эмас. Сен қурқаётган қудратли ҳокимиятнинг қучи нима бўпти, ахир сен қўрқаётган ўлимни бошингга бошқа хар қим ҳам сола олади? (9) Мана, дейлик, сен қаним қўлига тушдинг ва у сени ўлим қундасига олиб боришни амр этди. Ахир сен ўзи шундайига ҳам ўлим томон бораётибсан! Тугилган хар бир инсон ўлимга томон бораётир. Нега ўз-ўзингни алдайсан, гўё доимо юз бериб турган нарсага энди тушунгандайсан? Сенга айтай: тугилган соатингдан бошлаб ўлимга томон бораётирсан. Агар биз бутун умримизнинг ҳамма соатлари мобайнида кўркиб яшаётган охирги соатни хотиржам қарши олишни истасак, бу ҳақда ҳамиша ўйлашимиз ва ҳамма

вакт буни ёдда тутишимиз керак. (10) Мактубимни тугатишим учун бугун менинг кўзим тушиб колган (менга бегона бир богдан узган) бу хикматни билиб ол: «Табиат конуниятига монанд кашшоклик — катта бойликдир». Сен мазкур табиат конуни бизга кандай чегаралар кўйишини биласанми? На ташналикдан, на очликдан, на совукдан укубат тортишимиз шарт эмас. Очлик ва ташналикни даф килиш учун димогдорларнинг остонасига бош уриш, худбинларнинг кош-ковогига карашимиз ёки хакоратомуз муомалага чидашимиз шарт эмас, бахтимизни излаб денгизга талпинишимиз ёхуд кўшин кетидан боришимиз ҳам керакмас. Табиат талаб киладиган нарсага имконимиз етарли, бунга эришса бўлади, биз факат керагидан ортигига эришиш учун кон ва терга ботамиз. 11) Ортикча хавас учун биз нечталаб кўйлак йиртамыз, жанг-жадал ўтовларида умиримизни ўтказамиз, кариймиз, бегона юртларга, бегона киргоқларга юзланамиз. Бизга етарлиси эса ёнимизда, шундок кўлимининг остида зохирдир. Кашшоклигида ҳам сабр-токат килган, кўзи тўк инсон аслида бойдир, бой бўла туриб, яна бойлик излаб изғиётган, ҳеч нарсадан тап тортмаётган кўзи оч бой аслида жуда кашшокдир, очдир. Саломат бўл, биродар.

Нома V

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Сенинг тиришқоклигиндан ва машгулотлардаги ҳаракатчанлигиндан қувонаман, сен ҳамма нарсани йиғиштириб, ўзингни кун сайин изчил комил этиш истагида ҳаракат қилмасан ва мен сени бу учун шарафлайман. Бундан кейин ҳам шундай тиришқок бўлгин, мен бунда сени нафакат қўллаб-қувватлайман, балким ўтинаман ҳам. Сени факат бир нарсадан оғохлантиришни истайман: комилликка эришишни эмас, одамларнинг кўз ўнгига бўлишни истайдиганлардан ўртак олма ҳамда на кийим-кечагингда ва на ҳаёт тарзингда ҳеч нарса ярқ этиб кўзга ташланмасин. (2) Афтода холда, текисланмаган соч ва ўсик сокол билан кўчага чикма, ясама дарвишона кўринишга уринма, олтин-кумушга нафратингни, керак бўлса курук ерга тўшак ташлаб ётаверишингни — бир сўз билан айтганда, худбинликни кондириш учун қилинадиган ҳар қандай ҳаракатни намойишкорона кўрсатма. Ахир ўзимизни камтарона тутишимизга карамасдан, файласуф, сўфий номининг ўзиёқ бу гумроҳ оломонда етарлича нафрат уйғотаётган бир пайтда, биз ўзимизни одамларнинг урф-одатларига зид тутсак, оқибати нима бўлади? Майли калбимизда биз ўзгача бўлайлик — ташки томондан биз одамлардан ажралиб турмаслигимиз керак. (3) Майли, кийим-кечагимиз яркирок бўлмасин — аммо кир-чир ҳам бўлмасин; майли куйма олтиндан безалган кумуш идиш-товоклар бизники эмасдир — аммо олтину кумушнинг бизда йўқлигининг ўзи хали кўзи тўқликнинг белгиси эмас. Оломондан яхшироқ яшаш учун балким ҳамма нарсани қилармиз, аммо буни оломонга ўчма-ўч қилмаслигимиз керак, акс холда биз ўзимиз комил қилмоқчи бўлганларни кўрkitиб кўямиз ва ўзимиздан йироқлаштирамиз. Бизга монанд бўлишга тўғри қилишдан кўрқилари оқибатида улар ҳеч нарсада бизга ўхшашни истамай қоладилар — биз факат шунга эришамиз. (4) Фалсафа ҳавола этишни ваъда қиладиган биринчи нарса — одамлар орасида яшаш қобилияти, ҳушмуомалалик ва мулоқотга мойиллик; аммо бизнинг ҳашамдорлигимиз, одамлардан ажралиб туришимиз бу ваъдани бажаришимизга ҳалакит беради. Шу ҳақда ташвишланишимиз лозимки, тоқим биз одамларда хайрат уйғотишни истаган нарса уларда қулғу ва нафрат уйғотмасин. Ахир бизнинг табиат билан уйғунликда яшашдан ўзга мақсадимиз йўқ. Аммо табиат ўз

вужудини какшатмайди, осон эришиладиган батартибликдан юз ўгирмайди, бокираликни севади, нафакат арзон емакдан, балким кўпол ва бадхўр таомдан ҳам юз ўгиради. (5) Факатгина хашамдорликка муккасидан кетганлар камёб нарсаларга кизикадилар – факат аклидан мосуво кимсалар арзон ва ҳаммабоп нарсалардан ўзларини тортадилар. Фалсафа кўзи тўкликни такозо этади, аммо бу – азоб-укубат чекиш дегани эмас; камсукумлик албатта кўримсизликни билдирмайди. Мана, менинг кўнглимга макбул мезон: бизнинг ҳаётимизда эзгу фазилатлар, хулк-атворлар кўпчиликнинг хулк-атвори билан коришик бўлиши лозим, одамлар бизнинг фазилатларимиздан хайратланишсин, шу билан бирга уни тан ҳам олишсин. - (6) «Кандай? Нахотки биз ҳам бошкалардай бўлсак ва биз ҳамда уларнинг орамизда нахотки фарк бўлмаса?» - Фарк бўлади ва бу фарк жуда катта бўлади. Майли, бизга яқиндан разм солган кимса биз оломондан канчалик фарк килишимизни билсин. Майли, бизнинг уйимизга кирган кимса биздан хайратлансин, аммо уйимиздаги идиш-товокдан хайратланмасин. Лойдан бўлган сопол идишдан худди кумуш идишдан фойдалангандай фойдаланувчи инсон буюқдир, аммо кумуш идишдан худди лойдан бўлган идишдан фойдалангандай фойдаланувчи инсон ҳам буюқликда ундан кам эмас. Бойликка кучи етмаган, бойликдан ўзини йўқотиб қўйган, бойликни кўтаролмаган кимса рухан заиф кимсадир. (7) Бугун ҳам сен билан ўзимнинг кичкинагина даромадимни бўлишмоқчиман: мен ўзимизнинг Гекатондан барча истакларимиздан воз кечсак, кўркувдан ҳам холос бўлишимиз ҳақидаги хикматни топдим. «Агар умид килишдан тўхтасанг, - дейди у, - кўркишдан, титраб-какшашдан ҳам тўхтайсан». Бу турли-туман икки нарсани қандай киёслаш мумкин, деб сўрарсан?! Аммо ўзи шунака, азизим Луцилий: гарча улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқдай туюлса-да, аслида улар бир-бири билан ўзаро богликдир. Битта занжир қоровул ва у кўриклайдиган асирни боглаб тургани сингари, бир-бирига умуман ўхшамайдиган кўркув ва умид биргаликда келишади: умиднинг ортидан кўркув пайдо бўлади. (8) Мен бунга хайрон бўлмайман: ахир уларнинг иккиси ҳам ишончи мустаҳкам бўлмаган, истикболни ҳавотир билан кутаётган калбга дохилдир. Умид ҳамда кўркувнинг бош сабаби – бизнинг бугунги кунга мослашолмаслигимиз ва ўз ният-истакларимизни ҳамиша олис келажакка томон йўллашимиз, бугунни яхшилаш ўрнига эртага албатта яхши бўлар, деб яшашимиздир. Шундай қилиб, инсонга берилган энг буюқ эзгуликлардан бўлмиш башорат килиш ҳаётда ёмонликка эврилади. (9) Хайвонлар, жониворлар ҳавфни кўргач, қочадилар, ҳавфдан қочиш кутилгач, бошка кўркмайдилар. Бизни, инсонларни эса ҳам ўтмиш эзади, ҳам келажак азоблайди. Бизга берилган эзгу фазилатларнинг кўпи ўзимиз туфайли бизга зарар келтиради: хотира бизни кўркувдан титраган кунларимизни яна бошдан кечиришга мажбур қилади, башорат килиш ҳислатамиз келажакда чекадиган азоб-укубатларимиздан дарак беради. Ва ҳеч ким факат бугунги сабабларнинг ўзи туфайлигина бахтсиз эмас. Саломат бўл, биродар.

Нома VI

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Тушунман, Луцилий, мен нафакат яхши томонга ўзгаряпман, балким бошка одамга айланиб бормокдаман. Менда ўзгартирадиган ҳеч нарса қолмади деб айтолмайман, бунга умид ҳам қилмайман. Тузатилмайдиган, қамайтириш ёки кўтариш лозим бўлмайдиган нарсанинг ўзи бормикин? Ахир калб аввал қилмаган камчиликларини кўра

олса, демак у янада яхшиланишга томон юз тутаетган бўлади. Айрим беморларни касал эканликларини сезганликлари учун ҳам табрикласа бўлади. (2) Мен ўзимда шиддатли тарзда юз бераётган бу ўзгаришлар сенга ҳам ўтишини истайман: шунда мен бизнинг дўстлигимизга – на умид, на кўркув, на таъма парчалай олмайдиган, то ўлим кунигача сакланиб қоладиган, унинг учун ўлимга ҳам тик бориладиган ҳакконий дўстликка янада мустаҳкам ишонч ҳосил қилардим. (3) Мен сенга дўстлари бору, аммо дўстликнинг ўзидан мосуво кўп одамларни санаб бера оламан. Қалбини умумий ирода ва ҳақиқат истаги чамбарчас боғлаган дўстлар бундай бўлмайдилар. Бошқача бўлиши мумкинми? Ахир ҳақиқий дўстлар ҳамма нарсалари, айниқса ташвишлари муштараклигини биладилар. Хар бир кун, менинг сезишимча, мени қанчалик олдинга ҳаракат қилдираётганлигини сен тасаввур ҳам қила олмайсан. - (4) «Агар сен бирор нарсани топган бўлсанг ва унинг фойдали эканини тажрибада кўрган бўлсанг, мен билан баҳам кўр», - деб айтасан сен. – Мен ҳам ҳамма билганимни сенинг шуурингга қуйишни истайман ва бирор нарсани ўрганар эканман, уни сенга ҳам ўргата олишимдан қувонаман. Ва хар қандай билим, қанчалик юксак ва фараҳбахш бўлмасин, агар бир менинг ўзим учун бўлса, менга ҳаловат бермайди. Агар менга бирор ҳикматни берсалар ва шарт қўйсалар: уни мен ўзимда саклашим ва ҳеч кимга айтмаслигим лозим бўлса, - мен бу ҳикматдан воз кечар эдим. Агар бир ўзимиз учун бўлса, ҳеч бир эзгулик бизни қувонтирмайди. (5) Мен сенга китобларни жўнатаман ва сен ундаги фойдали ўринларни излашга вақт сарфламаслигинг учун белгилар қўйиб қўяман, токим сен бу белгилар орқали мен тавсия қиладиган ва ўзим хайратланган нарсаларни осон топа оласан. Бирок доноларнинг тирик овози ва улар билан бирга яшаш уларнинг сўзларини ўқишдан кўра кўпроқ фойда келтирган бўларди. Қелиб, ҳаммасини ўз жойида кўрган афзал, чунки, биринчидан, одамлар қулоқлари эшитгандан кўра кўзлари кўрганига кўпроқ ишонадилар, иккинчидан, насиҳатнинг йўли - узун, намуна кўрсатишнинг йўли қисқа ва ишонарлидир. (6) Агар факат тинглаганида эди, Клеанф Зеноннинг аниқ нусхасига айланмаган бўларди. Ахир у Зенон билан бирга ҳаёт кечирди, яширин нарсаларни ҳам кўрди, Зенон ўзи чиқарган қоидаларга монанд яшаётган-яшамаётганлигини қузатди. Афлотун ҳам, Арасту ҳам ва кейин турли томонга тарқалиб кетган бошқа аҳли донишлар ҳам Сукротнинг сўзларидан кўра, кўпроқ унинг ҳулқ-атворидан ўргандилар. Метродора, Гермарха ва Полненани Эпикурнинг дарслари эмас, у билан ҳамнафасликда кечирилган ҳаёт буюқ инсонларга айлантирди. Дарвоқе, мен сени оладиган фойданг учунгина мен томонга даъват қилмаяпман, балким сен ҳам менга берадиган фойдани ўйлаяпман; биз биргаликда бир-биримизга кўп нарса бера оламыз. (7) Айтгандай, мен хар қуни ниманидир тухфа қилишим керак. Мана, мен бугун Гекатондан ўқиб олган ҳикмат: «Нимага эришдинг, деб сўрабсан? Ўзимга ўзим дўст бўлдим». У эришган нарса оз эмас, чунки ўзини топган, ўзини ўз дўстига айлантирган одам энди ҳеч қачон ёлғиз қолмайди. Ва шуни билгин: ўзини ўзига дўст тутолган одам бошқаларга ҳам дўст бўла олади. Саломат бўл, биродар.

Нома VII

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Сен қимдан ўзимни четга тортишим керак, деб сўрабсан? Оломондан-ми? Ахир оломонга беҳавотир яқинлашишнинг иложи йўқ! Мен сенга ўзимнинг заиф томонимни айтишим керак: ҳеч қачон қўчага қандай чиққан бўлсам, шундай қайтмаганман. Нени

хотиржам килган бўлсам, у яна хаяжонга тушган, нимани ўзимдан йироклаштирган бўлсам - у яна кайтган. Худди узок ётган бемор ўзини хавф остига қўймасдан қўчага чиколмаганидай, биздай узок чекилган изтиробдан дили беморлар ҳам одамлар олдига чикишдан безиллаймиз. (2) Ўзингни каърига уриб бораётган оломондан ёмонрок ганим йўқдир. Хар бири мукаррар ўз иллатини сенга жилвадор килиб кўрсатади ёки юктиради ёхуд билдирмай сингдиради. Бу тўдада одам канчалар кўп бўлса, у шунчалар хавфлирокдир. Яхши хулklar учун томошодан кўра дахшатлирок нарса йўқдир: зеро бизга иллатлар хузур-халоватлар оркали осон юкади. (3) Сенингча, мен нима деяпман? Одамлар орасида бўлганимдан сўнг мен уйга янада хасисирок, иззатталаброк, бойликка хавасмандрок ва, албатта, шафкатсизрок ва ноинсонийрок бўлиб кайтаман. Мен тасодифан кундузги томошога дуч келиб колдим, истагим инсоннинг конига кўзи тушган одамни тинчлантирадиган ўйинлар кўриб ва хазил-мутуйибалар тинглаб хордик чикариш эди. Ажабо! Авваллари кўрганларимизнинг хаммаси жанг эмас, багрикенглик бўлган экан, бугун – хазилдан асар ҳам йўқ – хакикий конхўрлик авжида! Ёпинчлар йўқ, бутун вужуд зарбага очиб қўйилган, ҳеч кимнинг кўли беҳудага кўтарилмайди. (4) Кўпчилик айнан шуни хуш кўради, аввалги одатий жуфтликлар ва севимли жангчилардан афзал билишади! Нега шундай бўлмасин? На бошда никоб бор, на килични кайтарадиган калкон бор! Лаш-лушлар нега керак? Усуллар нимага зарур? Уларнинг барчаси ўлим лахзасини узайтиради. Эрталаб одамлар кашкирлар ва айикларга едирилади, тушликдан сўнг – томошабинларнинг гажишларига дучор килинади. Томошабинлар ўлдирганларни уларни ҳам ўлдирадиганлар зарбасига бош тутишга буюрадилар, голибларни эртанги янги жанг учун колдириш максадидагина аяйдилар. Жангчилар учун ўлимдан бошка чора йўқ. Олов ва темир ишга тушади, сахна бўшаб колгунча шу ахвол. - (5) «Ахир у карокчи эди, котил эди». – Одам ўлдирган киши ўлимга лойик. Аммо сен, шўрлик томошабин, кайси айбинг учун буни кўришга мажбурсан? – «Кес, ур, ёндир! Нега у бу кадар кимтиниб тигга боради? Ана униси нима учун кўрка-писа ўлдиради? Буниси нега истар-истамас ўлади?» - Хакамлар ганимларни килич тигига хайдашади, ялангоч кўкраклари билан тигга боришларини иташади. Танаффус пайтида-чи? Бу вақтда одам ўлдиришади, уларга нимадир юз бериб турса бўлди. Нега тушунишни истамайсиз, ёмон намуналар уларни намойиш килаётганларнинг ўзларига кайтади? Ўлмас худоларга шукр килингким, сиз ўрганишга ноқобилларга шафкатсизликни ўргатяпсиз. (6) Хали дийдаси котмаганлар, калби шафиклар, эзгуликда баркарор бўлиб улгурмаганлар ўзини халқдан узокрок тутсин: бундайларнинг кўпчилик томонига ўтиб кетиши осон. Хатто Сукрот, Катон ва Лелий ҳам ўзларига ўхшамаган оломон орасида эзгу хулklarидан чекилган бўлардилар, биз бандаи ожизлар эса, ўз табиатимизни канчалар такомиллаштирмайлик, хар тарафдан хамла килиб келаётган иллатлар босимига чидаш беролмаймиз. (7) Исрофгарчилик ва хасисликнинг битта намунаси ҳам кўплаб ёвузликларни олиб келади; эркатой ошнаимиз бизни ҳам заиф ва танбал килиб кўяди, бой-бадавлат кўшнимиз феълимиздаги очкўзликни гиж-гижлаб юборади, маккор ўрток энг бокира ва содда биродарининг дилини ҳам занглатишга кодирдир. Хўш, агар бизнинг хулк-атворимизга бутун-бир оломон хамла килса, нима бўлади? Ё сен уларга таклид киласан ёки хаммани ёмон кўриб коласан. (8) Айни пайтда унисидан ҳам, буничидан ҳам йирок бўлиш лозим: ёмонлар кўп бўлгани учунгина уларга кўшилиш, таклид килиш керак эмас ёки уларга ўхшамаганинг учун кўпчиликни ёмон кўриш ҳам керакмас. Узлатга чекин, имкон кадар ўз ичинга беркин; вақтингни факат сени комиллаштирадиганлар билан ўтказ, ёнингга факат ўзинг яхшилашинг мумкин

бўлганларни якинлаштир. Униси ҳам, буниси ҳам ўзароликда амалга ошади, зеро одамлар бировни ўқитар экан, ўзи ҳам ўсади, ўрганади. (9) Демак, сен иззатталаблигинг истаги туфайлигина ўзингни оммага намойиш қилишинг, оломон ўртасига чиқиб, ниманидир овоз чиқариб ўқишинг ёки фикрлашинг шарт эмас; менинг назаримда. Агар сенинг бераётган махсулинг оломоннинг қалбига якин бўлсагина уларнинг олдига чиқиш мумкин, акс ҳолда оқил одамни улар тушунмайди. Эҳтимол, бир-иккита тушунадиган одам сенга учраб қолар, аммо сени чуқур ва тўғри тушунишлари учун уларни ҳам ўқитиш ва йўллаш лозим бўлади. «Аммо мен нима учун илм олдим, ўқидим?» - Мехнатим зое кетди деб ачинма, хавотирланма: сен ўзинг учун илм олдинг. (10) Бирок мен бугун факат ўзим учунгина ўқимадим ва шунинг учун сенга буюқлар бисотидан бугун кўзим тушган учта хикматни етказаман – уларнинг ҳаммаси айнан битта нарса ҳақидадир. Биринчиси шу номамнинг қарзини ўзсин, қолган иккитаси кейинги хатларимнинг ҳақи бўла қолсин. Демокрит ёзади: «Мен учун битта инсон –халқдир, халқ – битта инсондир». (11) Ва яна бир донишманд шугулланаётган санъати факат бир неча одамгагина етиб борадиганлигини, нега бу натижасиз иш билан бу қадар тиришиб шугулланишини сўраганларида, айтган: «Менга бир неча одам ҳам етади, менга битта одам ҳам етади, ҳеч ким тушунмаса ҳам етади», - бу донишманд ким бўлмасин (бу ҳақда турли фикрлар мавжуд), яхши айтган-да, биродар. Учинчи хикмат ҳам жуда гўзал – Эпикур ўқув машғулотидаги ўртоқларидан бирига ёзган: «Буни мен оломонга эмас, сенга айтяпман: ахир бизнинг ҳар биримиз бошқа биримиз учун бир театр тўла одам баробаридамиз». (12) Мана, азизим Луцилий, кўпчиликнинг мактовларидан келадиган сархушлиқдан сакланиш учун ана шу хикматларни қалбда асраш керак. Сени кўпчилик қўллаб-қувватлаши мумкин. Кўпчиликка тушунарли бўлсанг, демак, ўзингдан рози бўлишингга сабаб бормикин? Сенинг фазилатларинг қалбингга қаратилган бўлиши керак! Саломат бўл, биродар.

Нома VIII

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) «Сен менга оломондан йироқ бўлишни, узлатга чекинишни ва ўз виждонинг билан қаноатланишни буюрасан, - деб ёзасан. - То ўлгунча меҳнат қилиш ҳақидаги насиҳатларинг-чи?» - Сенга буюрган нарсамни – одамларга фойда келтириш учун улардан яшириниш ва эшиқни тамбалаб олишни - ўзим ҳам қилганман. Бир кунни ҳам бекорчиликда ўтказмайман, ҳатто туннинг ҳам бир қисмини машғулотларга бағишлаганман. Озод бўлганимдан кейин ҳам ухлагга ётмайман: йўқ, уйку мени ўз домига тортади, мен эса тиришганимдан чарчаган, юмилиб бораётган, ториккан кўзларимни ишимга тикканча, ўтираверман. (2) Мен нафакат одамлардан узоқлашдим, балким ишлардан, энг аввало – ўз ишларимдан ҳам узоқлашдим ва авлодларнинг ишлари билан шугулландим. Мен келажак авлодлар учун уларга ёрдам бериши мумкин бўлган нарсаларни ёзиб бораман. Худди табиблар дори-дармонларни қандай тайёрлашни ёзиб борганларидай, мен ҳам ўз қалб яраларимни даволашда фойдаланиб, ишонч ҳосил қилган ҳолоскор насиҳатларни қогозга тушираман: яраларим битмаган бўлса-да, газак олиб кетмади. (3) Мен бошқаларга ўзим узоқ адашишлардан кейин, кечикиб бўлса-да топган ягона тўғри йўлни кўрсатаман. Қичкираман: «Оломон севадиган, тасодиф ҳадя қилган нарсалардан йироқ бўлинглар! Тасодифан қелган ҳар

кандай бойлик, халоват кошида шубха ва кўркув билан тўхтанг! Ахир баликлар ҳам, жониворлар ҳам ширин умид илинжида кармоққа, копконга тушадилар! Сиз бу нарсалар тақдир иноятлари, деб ўйлайсизми? Йўқ, бу тақдир тузокларидир. Хаётини имкон қадар хавфсизроқ яшаб ўтаман деганлар бу куш елими суртилган хаёт бойликларидан, бу дунёнинг биз шўрликларни алдаш учун жилваланган нафсидан, бу ўлжага эга бўлдим, деб сархуш бўлганимизда ўзимизни ўлжага айлантирадиган неъматларидан кочсин. Бу неъматлар кетидан кувиш бизни чоҳга тортиб боради. (4) Юксакка хаволанган хаётнинг охири аниқ – кулашдир. Бунинг устига, бахт-саодат бизни ўнгу сўлга тортган пайтда қаршилиқ қилиш мумкинмас. Ё тўғри сузиш керак ёхуд бирдан тубсизликка қулайсан! Аммо толе йўлдан қайтмайди – у ағдар-тўнқар қилади ва қояларга уради. (5) Шунинг учун вужуд майлларига унинг мустаҳкамлигини қувватлайдиган даражадагина хоши билдиринг ва шундай хаёт тарзини ягона соғлом ва шифобахш тириклик, деб билинг. Вужудни итоатда сақланг, токи у қалбга бўйсунидан чекинмасин: овқат факат очликни қондирадиган даражада қифоядир, сув – қанқокни босса бўлди, қийим баданни совуқдан асрасин, уй-жой – вужудга бўладиган хавф-хатарлардан химоя қиладиган бўлса, бас. Уйи лойдан бўлганми ёки хориждан келтирилган қимматли тошданми, бунинг фарқи йўқ: билингки, қамиш том остида инсон олтиндан ёпилган том остидагидан ёмон яшамайди. Қераксиз захмат ортидан қеладиган, зеб бериш ёки кўз-кўз қилиш учун яратилган нарсалардан тортининг. Ёдингизда тутинг: руҳдан бошқа ҳеч нарса фахрланишга арзимайди, буюқ қалб учун ҳамма нарса ундан қичикдир». (6) Мен ўзимга билан шундай суҳбат қурай эканман, айни пайтда буни авлодларга айтаётган бўламан, нахотки, сенингча, мен бу билан судга қўллаб-қувватловчи бўлиб боргандан ёки узук муҳри билан мерос қозғаларини қарб қўйгандан ёхуд сенатда қайсидир мансабдорга қўл қўтариб, овоз бергандан қамроқ қўйида қелтирайотирман? Шунга ишонгинки, сенга бекорчи бўлиб қўринаётган одам аслида муҳим юмушлар билан - ҳам илохий, ҳам инсоний ишлар билан машғулдир. (7) Қарвоқе, мактубни хотималашнинг айни пайтидир ва мен, қоида тариқасида, бу номамда ҳам нима қиландир сени қози қилишим қерак. Мен сенга ўз қариларимдан қўламайман; қали-қануз Эпиқурни қутолаа қилаяпман ва қуғун ундан шундай сўзларни қўқидим: «Қакқоний эрққа эришиш учун қалсафага қул бўлгин». Аган сен бу қикматга ўзингни бахш этсанг, эркинлигинг қундан-қун ортга сурилавермайди: қарқол эрққа қоил бўласан. Қунки, қалсафага қуллик – бу дунёдан эркинликдир. (8) Эқтимол, сен нега бу қўзал сўзларни ўз қамондошларимиздан эмас, Эпиқурдан қелтиришимнинг сабабини сўрайсан. Нега бу сўзлар ҳамма инсонларга эмас, факат Эпиқурга тегишли, деб ўйлайсан? Ақир, қуғунги шоирларинг айтаётган қўпгина фикрлар аллақачон қайласуфлар қомонидан айтилган ёхуд айтилган бўлиши қерак! Мен на трагедияларни, на бизнинг трагедия ва қомедия ўртасида турган, қиддийликдан қоли бўлмаган тоғаталаримизни айтаётганим йўқ; қатто қимларда ҳам қанчалар муаззам сатрлар қор! Публилийнинг қўплаб шеърларини ҳам қишанини судраб юрганларгина эмас, минбарларда нутқ сўзлаётганлар шавқ ила ўқиса арзийди. (9) Мен унинг қалсафага, қусусан қалсафанинг қозиргина мен айтган ва мен шугулланган қисмига тегишли бўлган битта сатрини қелтираман; унда шоир тасодиқан қўлга тушган нарсани ўзиники қисоблаш мумкин эмаслигини ёзади: Бегонадир ул, агар истақимизга қўра бирдан Ёприлиб қелса биз қомон. (10) Ёдимда, сен менга меҳнатсиз қелган бойлик қақидаги қундан ҳам қиска ва лўнда бир сатрни қелтирган эдинг:

Омад берган нарса бизники эмас.

Сенинг мана бу хикматинг (мен уни ҳам тилга олмай кўймайман) ундан ҳам ёмбидир:

Бизга осон берилган нарса осон кайтиб олиниши ҳам мумкин.

Мен бу хикматни карзимни узиш учун бермаяпман: мен сенга ўзингникини кайтаряпман. Саломат бўл, биродар.

Нома IX

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Сен билишни истайсанки, Эпикурнинг бир мактубида донишманд инсонга ўзидан бошқа ҳеч ким керакмас, донишманд ҳеч кимнинг дўстлигига мухтожмас, деб таъкидлайдиганларни коралаши адолатданмикин?! Эпикур бу таънани Стилпонга ва бошқа калбни ҳар қандай таъсирга чидашдан асрамок - олий неъматдир, деб биладиганларга йўллаган. (2) Дарвоқе, агар биз қисқаликка эришмок учун аҳамиятсиз сўзини «чидамок» деб таржима қилсак, Эпикурни турлича талқинлашга йўл қўйган бўламиз. Ахир, бунда биз ўзимиз назарда тутганимиздан бошқача, буткул тесқари маъноларни ўйлашимиз мумкин. Биз: «ҳар қандай оғриққа бепарво калб» дейишни истаймиз, аммо: «ҳар қандай оғриққа чидамайдиган калб» деб ҳам тушуниш мумкин. Ўзинг диққат қил, «дахлсиз калб» ёки «ҳар қандай азоб-укубатлар забот этолмайдиган калб» дейиш яхшироқ эмасми? (3) Биз ва улар ўртасидаги фарқ ҳам шунда: бизнинг донишмандимиз ҳамма ноқулайликларни сезади ва енгади, аммо уларнинг аҳли донишлари ҳатто сезмайди ҳам. Биз ва улар ўртасидаги умумийлик эса мана бунда: донишмандга унинг ўзидан бошқа ҳеч ким керак эмас. Донишмандга унинг ўзи етарли бўлса-да, барибир у ҳам дўсти, қўни-қўшниси ва биродари бўлишини истайди. (4) Ўзинг мулоҳаза қилиб кўр, ўзининг бир қисми билан ҳам фарахлана оладиган одам қанчалик ҳаловатланиши мумкин. Агар қасаллик ёки қаним уни қўлидан айирса, агар тақдир уни қўзларни кўр қилиб қўйса, донишмандга қолган қисми ҳам етарли бўлади, у мажруҳ вужуди билан ҳам жароҳатдан олдингидай тафаккур қилади, қувонади. Гарчанд у йўқотилганларини соғинмаса-да, йўқотишларсиз яшашни афзал билган бўларди. (5) Худди шундай, донишмандга дўстларсиз яшашни исташи туфайли эмас, дўстларсиз ҳам яшай олиши мумкинлиги туфайли ўзидан бошқа ҳеч ким зарур эмас. «Мумкин» дер эканман, мен шуни назарда тутаман: йўқотишни хотиржам қабул қила олишга қодир инсонгина донишманддир. Ахир, донишманд ҳеч қачон дўстсиз қолмайди ва бошқа бир дўстни қанчалик тезроқ топиш унинг амридадир. Агар Фидий ўзи ясаган ҳайкални йўқотиб қўйса, дарҳол бошқасини яратиб олган бўларди. Худди шундай, донишманд – дўстлик ришталарини боғлашга уста инсон – йўқотилган дўстнинг ўрнини янғиси билан тўлдиришга қодирдир. (6) Сен кинингдир дўстлигига қандай қилиб тезроқ эришиш мумкинлигини сўрайсан; агар мен қарзимни ҳозир қайтаришимга қелишсак, мен жавоб бераман ва биз бу мактуб учун ҳисоблашган бўламиз. Гекатон айтади: «Мен дори-дармонларсиз, гиёҳларсиз, жодугарнинг дуойи-бадларисиз ҳам бошқаларни мойил этадиган воситани кўрсатаман. Агар сени севишларини истасанг – ўзинг ҳам сев». Нафакат қўхна, синалган дўстлик бизга олий ҳузур-ҳаловат беради, балким янги, энди топилган дўстликнинг бошланиши ҳам бундан кам эмас. (7) Дўстга эга киши билан энди унга эришаётган киши ўртасидаги фарқ ўроқчи билан дон сепувчи ўртасидаги фарққа ўхшайди. Файласуф Аттал мусаввир учун расм қизиқ ўтириш уни қизиқ бўлгандан кейинги дамдагидан кўра ҳузурбахшлиги сингари, дўстликка эришишга ҳаракат қилиш

унга эришиб бўлишдан кўра рохатли эканини кўп марта айтганди. Ўз асарини рухий хотиржамлик билан ишлаётган одам ўз машгулотидан олий хузур-халоват олади. Тугал асарни кўлдан чиқарар экан, энди у аввалгидай рохатланмайди: энди у бор-йўги санъатининг махсулидан қувонади, асар устида ишлаётганда у буюк яратувчилик санъатининг ўзидан шодланар эди. Болаларимизнинг ўсмирлиги сермахсулдир, аммо бизга уларнинг гўдаклик пайтлари лаззатлироқдир. (8) Дарвоқе, суҳбатимизнинг мавзусига қайтсак. Майли, гарчанд донишманд одамга унинг ўзидан бошқа ҳеч ким керак бўлмасин, у барибир, дўстлик сингари олий фазилатдан мосуво яшамаслик учун, буюк дўстлик ҳурмати учун дўсти бўлишини истайди ва буни, Эпикур ўша мактубида айтганидай, «касал бўлганида қараб турадиган одам бўлиши, муҳтожликда ёки асирликда ёрдам олиш учун» истамайди, аксинча, дўсти бемор бўлганда, унга қараш учун, душманга асир тушган биродарини қутқариб олиш учун хоҳлайди. Факат ўзини ўйлаб дўст тутинганларнинг фикри ожиздир; қандай бошлаган бўлса, шундай тугатади. Занжирбанликдан ҳолос бўлиш учун дўст тутинган одам, занжирлар узилган заҳоти гойиб бўлади. (9) Халқ вақтинчалик деб атайдиган дўстлик иттифоклари шундайдир. Фойда илинжида топган дўстларимизнинг дўстлиги фойдамиз тегиб турганича давом этади, ҳолос. Шунинг учун иши ўнгидан келиб турганларнинг атрофида дўстлари тўда-тўда юради, иши чаппа кетганлар, ҳалокатга дучор бўлганларнинг атрофи – саҳродай ҳувиллаб қолади. Дўстлик синаладиган пайтда дўстларнинг ақсариёти қочиб кетади. Мана, худди шунинг учун биз бировлар кўркувдан дўстини ташлаб кетаётганига, бошқалар кўркувдан дўстларини сотаётганига кўплаб шармандали мисолларни кўриб турибмиз. Ибтидо қандай бўлса, интиҳо ҳам шундай бўлади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Ўз фойдаси учун дўст бўлган одам бу дўстликка хиёнат қилиш учун қимматроқ тўлайдиган қимсани топса, дўстликни сотади, зеро унинг учун дўстликдан қимматлироқ нарса бордир. (10) Мен нима учун дўст орттираман? Мен дўстимни деб ўйлаш учун, дўстимни деб сургун-саргардонликка қетиш учун, унинг ҳаётини сақламоқ йўлида қурашиш ва ҳаётимни тикиш учун дўст орттираман. Сен ёзаётганингдай, манфаат учун, бирор фойда олиш учун тузилган дўстлик – дўстлик эмас, бу тужжорлар тузадиган савдо шартномасидир. (11) Шубҳасиз, севишганларнинг эҳтироси ва дўстлик ўртасида боғлиқлик бор, муҳаббатни ақлидан мосуволарнинг дўстлиги, деб ҳам аташ мумкин. Ахир севаган одам фойдаси учун севадимми? Ёки иззатталаблик ва шон-шўҳрат учун севадимми? Ишқ қолган ҳамма нарсадан юз ўгириб, гўзалликка талпиниш ҳиссини қалбда оловлантиради, жавобан бўладиган меҳру муҳаббатдан умидворлик унда яшириндир. Нега бўндай? Нахотки жуда ҳалол бир сабаб уятли эҳтиросни тўғдирса? - (12) Сен мени инкор қиласан: «Хозир гап бу ҳақда эмас, нахотки дўстликнинг ўзи учун ёки бошқа бирор мақсад билан дўст орттирилади». Аксинча, шуни исботлаш лозим. Ахир, дўстликни дўстликнинг ўзи учун излаш керак бўлса, демак, ўзидан бошқага эҳтиёж сезмаган инсон ҳам дўстликни излаши мумкин. – «Хўш, у дўстликни қандай излайди?» - Фойдани кўзламай, омаднинг хиёнатқорлигидан қўчимай, энг гўзал нарсани ахтараётгандай излайди. Фойдаси тегиб қолар, дея дўст орттирадиган одам дўстликнинг юксак қимматини йўқотади. (13) Донишманд инсонга унинг ўзидан бошқа ҳеч ким керак эмас. Луцилий, кўпчилик одамлар бу фикрни тесқари талқин қилишади: донишманд, ақлли одамни ҳамма жойдан ҳайдашади ва ўз қобиғига ўралиб яшашига мажбур қилишади. Айни пайтда мазкур ҳикмат кўп нарсани ваъда қиладими ва у нимани ваъда қилади – буни ойдинлаштириб олиш лозим. Донишманд одамлардай яшаши учун эмас, фозилона ҳаёти учун ўзи етарлидир. Тириклик учун унга кўп нарса керак,

фозилона, фарахбахш хаёт учун омадга термилиб турмаган, юксак ва соглом рух кифоядир. (14) Мен Хрисиппа, унинг бўлиниш хакидаги фикрига мурожаат килмокчиман. У айтадики, донишмандга кўп нарса керак бўлса ҳам, у ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайди, ахмокка эса ҳеч нарса керак эмас, чунки у ҳеч нарсадан фойдалана олмайди, аммо унинг ҳамма нарсага эҳтиёжи бўлади. Донишмандга кўл ҳам, кўзлар ҳам, кундалик хаёт учун зарур бўладиган бошқа кўпгина нарсалар ҳам керак, аммо у ҳеч нарсага эҳтиёжманд эмас. Ахир, эҳтиёж – бу заруриятдир, донишманд учун эса зарурият йўқдир. (15) Демак, гарчанд донишманд учун унинг ўзи етарли бўлса-да, аммо унинг дўстларга талабгорлиги бор ва кўпроқ дўстлар орттиришни истайди, аммо бу дўстлар унга фарахбахш яшаш учун керак эмас, у дўстсиз ҳам фарахбахш хаёт кечира олади. Юксак эзгулик ташкаридан курол-аслаха изламайди: эзгулик уйда яратилади ва ўзи-ўзидан келиб чиқади. Агар унинг бирор-бир қисми ташкаридан олинса, демак, унинг тақдири омадга боглик бўлиб қолади. - (16) «Агар асирга тушса, бегона юртларга бориб қолса, узок сафарларда қолиб қетса, қимматсиз қирғоқларда қолса-ю, атрофида дўсти бўлмаса, донишманд қандай яшайди?» - Дунё жунбушга келиб, худолар яхлитлашганда, табиат қилт этмай, қотиб қолганда, Юпитер тинчланади ва ҳаёлларга берилади. Донишманд ҳам шундай қилади: ўз ичига сафар қилади, ўзлигига қайтади. (17) Тоқим ўз ишларини ўз билганича қила олар экан, у, гарчанд ўзидан бошқа ҳеч қимга муҳтожлик сезмаса-да, хотин олади, ҳеч қимга эҳтиёжи бўлмаса-да, фарзандлар тугдиради, бошқаларсиз яшай олса-да, агар бирор одамни кўрмасдан яшаш керак бўлса, яшамай қўя қолади. Дўстликка уни етаклаган нарса ўз манфаати эмас, бу табиий иштиёқдир. Ахир кўп нарсаларга, жумладан дўстликка иштиёқ бизнинг жону қонимиздадир. Ёлғизлик ҳаммани нафратини уйғотгани сингари, ҳамнафасликда яшаш инсонни инсон билан бирлаштиргани сингари бизни дўстликка интилишга мажбур қиладиган бир иштиёқ мавжуддир. (18) Аммо, гарчанд донишманд дўстини бошқалардан зиёда севса-да, дўстини ўзига тенг ва гоҳида ўзидан-да юқори қўйса-да, - ҳар ҳолда у шунга ишонадики, эзгулик унинг ўзида мужассамдир, шунинг учун у ўзига Стилпоннинг, ҳа, ўша Эпикур ўз мактубида ҳамма қилган Стилпоннинг сўзларини такрорлаб юради. Стилпоннинг жонажон шахри қаним қўлига ўтганида, хотини, болаларидан айрилганида ва ҳамма нарсани ямлаб ютган олов ичидан бир ўзи тирик, аввалгидай хуррам қилганида, қўллаб-қувватлаб шаҳарларни вайрон этгани учун Полиоркет дея ном олган Деетрий Стилпондан бирор нарса йўқотган-йўқотмаганлигини сўрайди, қайласуф жавоб беради: «Хаммаси ўзимда!» (19) Мана, жасур ва қатъиятли одам! У жангда қолиб бўлган қанимнинг ҳам устидан қалам қилар эди. У: «Мен ҳеч нарса йўқотмадим», - деб айтди ва қаним ўз қаламисига шубҳа қила бошлади. «Хаммаси ўзимда» - адолатим, қасохатим, оқиллигим, хотиним ва болаларим ёди, тафаккурим, қотиб олса бўладиган нарсаларни неъмат деб қилмасликка бўлган қатъиятим ўзимда... Биз олов ичидан ўтиб, танаси қўймай қолган жониворлардан қайратланамиз; қуролли қўшин қасидан, олов ва вайроналар ичидан ўтиб ҳам ўзини йўқотмаган бу инсон қанчалар қайратлидир! Қўрқсанми, бутун бошли халқни енгил оқидир, аммо бир инсонни енгил қанчалар мушкул? Унинг қутқи ўз эзгулигини ёнаётган шаҳарлар аро бутун олиб ўтган жўмарднинг қутқидир. Ахир унинг ўзидан бошқа ҳеч қимга муҳтожлиги йўқ – унинг учун бахтнинг қегараси шудир. (20) Сен қанат бизнинг ўзимиз бу қаландарвоз сўзларни айтмаётганимизга ишонч қосил қилишинг учун айтаман – шуни қилгани, Стилпонга эътироз қилдирган Эпикурнинг ўзи ҳам шунга ўқшаш қикматни айтган, гарчанд қугунги қарзимни аллақачон ўзган бўлсам-да, бу қикматни ҳам қабул қилгин. «Бор нарсага қаноат қилмаган, қорини

тўкинлик деб билмаган киши, гарчанд дунёнинг хаммасига эга бўлса-да, кашшоклигича колади». Агар сен буниси яхши жаранглайди, деб ўйласанг, бошқача айтишим ҳам мумкин (ахир, биз сўзларга эмас, фикрга садокатли бўлишимиз керак): «Дунёнинг эгаси бўлганда ҳам, ўзини ҳаммадан бахтли деб хис килмаган одам, ҳаммадан бахтсиз бўлиб колаверади». (21) Билгинки, бу фикрлар ҳаммага тегишлидир ва, демак, табиат томонидан донишмандларнинг кулогига шивирлангандир, шунинг учун уларни сен хатто хажвчи шоирнинг ижодида ҳам учратишинг мумкин:

Бахтсиздир ўзини бахтли деб билмаган одам.

Ёмон яшайпман, деб хисобласанг, қандай яшаётганингнинг ахамияти борми?

(22) «И-я, - дейсан сен, - харом пул топиб бойиган, минглаб кулларга эга бўлган ва минглаб бошликларига кул бўлган каллоб ҳам ўзини бахтли деб эълон килса, ўз ҳукмига биноан бахтли бўлиб коладими?» - Йўқ, унинг нима деб айтаётгани муҳим эмас, нимани хис килаётгани муҳимдир, факат бугун хис килаётгани эмас, ҳамиша хис қилиши муҳимдир. Шунинг учун сен ўзини фарахбахш, бахтиёр хисоблаш бунга муносиб бўлмаганларга ҳам дохил бўлишидан хавотирланмасанг ҳам бўлади. Факат донишмандларгина бориға қаноат қила олади, қалби билан уйғунликда яшай олади, аҳмоқлар эса бориға қаноат қилмаганликларидан доимо эзиладилар, изчил азоб чекадилар. Бу хавотир, бу тинкакуритар азоб уларнинг қаноатсизлигига жазодир. Уларнинг жазолари ўзларидадир. Саломат бўл, биродар..

Нома X

Сенекадан Луцилийга саломлар бўлсин!

(1) Айнан шундай, мен ўз фикримни ўзгартирмайман: оломондан узокрок бўл, айримлардан нари юр, бирорта одамга яқинлашма. Мен сенинг ёнингда ҳеч қимни ёнма-ён қўришни истамайман. Менга ишонгинки, мен сен ҳақингда юксак фикрдаман, шунинг учун ўзингни ўзингга ишониб топширишга жазм қиламан. Айтишларича, ўша аввалги мактубимда мен тилга олган Стилпоннинг тингловчиси бўлган Кратет бир қуни ёлғиз сайр этиб юрган ўсмирни қўриб колади ва ундан бу жойда битта ўзи нима қилиб юрганини сўрайди. — «Ўзим билан ўзим сўзлашайпман», - деб жавоб беради йигитча. Бу жавобга нисбатан Кратет шундай дейди: «Эҳтиёт бўл, йигитча, илтимос, яхшилаб разм сол: сенинг суҳбатдошинг — ёмон одам!» (2) Одатда биз фожиага дучор бўлган ёки қўрқув остида қолган одамлардан фалокат аригунча хабардор бўлиб турамыз, ёлғиз қолганда бирор бирор ёмон иш қилиб қўйишидан қўчиймиз. Умуман олганда, ақли такомилга етмаган ҳеч бир одамни ўз-ўзича қўйиб қўйиш мумкин эмас: ёлғизликда бундай одамларни ёмон фикрлар қўлгаб олади, улар ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам хавф-хатарга қўядилар, бундай пайтда уларга шармандали истаклар тўда-тўда ҳамла қилади. Шунда шу пайтгача уят ва қўрқув яшириб туришга мажбур қилган нарсалар қўнғил тубидан юзага қалқиб чиқади, шарттакилик авжига чиқади, ярамас майллар қутқуланади, қазаб қўзиб кетади. Ёлғизликнинг битта афзаллиги бор: ҳеч қимга ҳеч нарсани ошқор қилмаслик ва фош бўлиб қолишдан қўрқмаслик имконияти; аммо бу неъмат аҳмоқ одамни адо қилади, қўнғил у ўзини ўзи фош қилади. Қўрқасанми, менинг сендан умидим қанчалар улкан, тўғрироғи, мен сенга қафилман (зеро «умид» деб биз ё

амалга ошадиган, ё амалга ошмайдиган неъматни атаймиз): мен сен учун ўзингдан яхшироқ дўстни тополмайман. (3) Мен хотирамда сен юксак бир фасохат билан талаффуз килган сўзларга қайтаман. Ўшанда мен сени табриклаб, шундай деган эдим: «Бу сўзлар шунчаки тилдан осонгина учиб чиққан сўзлар эмас, бу сўзларнинг мустахкам замини бор. Бу инсон – кўплардан бири эмас, у эркинликка интилади». (4) Шундай сўзла, шундай яша. Факат диккат килгинки, сени ҳеч нарса асир қилолмасин. Ўзингнинг аввалги тилакларинг ижобатини худоларнинг иродасига қолдир, энди ўзинг улардан янгидан илтижо қилиб сўра: аклинг равшан бўлсин, хотиринг жам бўлсин, дилхаста бўлма, кейин – вужуд саломатлиги хақида сўрашинг мумкин. Нима учун бу ҳақда тез-тез илтижо қилишинг мумкин эмас? Худодан дадил сўрагин: сен ундан бировнинг нарсасини сўраётганинг йўқ. (5) Дарвоқе, одат қилганимиздай, бу нома билан ҳам сенга мўъжазгина тухфа юборишни истайман. Афинодорнинг бисотидан шундай ҳаққоний сўзларни топдим: «Билгинки, агар сен худолардан ҳаммага эшиттириб сўраш, илтижо қилиш даражасига етсанг, яшириб сўрайдиган нарсанг бўлмаса, сен барча хавою хирслардан, нафсу истаклардан озод, хур бўлган бўласан». Ахир, одамлар қанчалар акли ноқисдир! Одамлар худодан шивир-шивир қилиб, майда-чуйда, пасткаш нарсаларни сўрайдилар, биров қулоқ тутса - жимиб қоладилар, одамлардан яширадиган нарсаларни худога айтадилар. Диккат қил, тоқим бу насиҳат сенга ҳам тааллуқли бўлиб қолмасин: одамлар билан гўё сени худо қўриб тургандай яшагин ва худога гўё ҳамма одамлар эшитиб тургандай илтижо қилгин. Саломат бўл, биродар.

Карим БАХРИЕВ таржималари